Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 26 сентябрь, шанба № 190 (21.288).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Бугун газетимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси эълон қилинмоқда. Мустақил давлатимиз қонунлари қомусининг янада мукаммал бўлиши ҳаммамизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ушбу лойиҳа муҳокамасида фаол иштирок этасиз, деб умид қиламиз.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Бухоро, 25 сентябрь («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Халқ депутатлари ўн олтинчи чақириқ Бухоро вилояти кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унга шаҳар ва район ҳокимлари, суд, прокуратура, адлия в бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари ҳам таклиф қилиндилар.

Сессияни вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров кириш сўзи билан очди. Унда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Р. Раҳмонов маҳаллий Кенгашлар, меҳнат жамоалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва тартиббузарликнинг олдини олиш бўйича иш фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Сессияда кўрилган масала юзасидан бўлиб ўтган музокаралардан кейин тегишли қарор қабул қилинди.

Н. НАИМОВ.



И. А. КАРИМОВнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб

СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ИНОҚЛИК ЙЎЛИ

Республикамиз Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи жумҳурият сиёсий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Жамоатчилик бу китобни зўр хайрихоҳлик билан кутиб олди ва у аҳолининг кенг қатламлари орасида катта қизиқиш уйғотди.

Биз бу китобга биринчи навбатда партиямиз Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида изчил амалга ошираётган дастурий вазифаларининг кенг баёни, деб қараймиз. Зеро шу маҳалгача узоқни кўра олмайдиган айрим кишилар ва муҳолифларимиз республика раҳбариятининг ўз дастури йўқ, у тараққиёт истиқболини аниқ белгилай олмайди, жамиятимизни ислоҳ қилишнинг асосли стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилган эмас, деб таъна қилаётган эдилар. Китоб аввало ана шундай тарзда фикр юритаётган кишиларга салмоқли жавоб бўлди.

Республика раҳбарияти ўз олдига қўйган асосий вазифа — Ўзбекистонда меҳнатсевар, пиру бадавлат, маънавий пок ва маданий оила асосига қурилган адолатли жамиятни аста-секин бунёд этишдан иборатдир. Бу эса, айнан партиямиз Дастурининг асосий қоидалари билан ҳамоҳанг. Энг муҳими, ушбу олижаноб мақсад халқимиз манфаатларига, республикамиз аҳолисининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳларининг барча орзу ва истакларига мос келади.

Тараққиётимизнинг умумий мантиқи, қўшни минтақаларда рўй бераётган воқеалар, қолаверса, оддий, оқилона ва соғлом фикр юритиш шуни кўрсатмоқдаки, маданий-маърифий тараққиётга ўтиш аслида эволюция йўли билан, яъни фожиавий оқибатларга олиб келувчи ва кучли ижтимоий ларзаларга сабаб бўладиган сохта инқилобий сакраш-ларсиз амалга ошмоғи лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамиз раҳбари ҳозир олиб бораётган сиёсий йўл замирида ётган ғоя китобда ҳар томонлама ривожлантирилганлиги ва тўла асослаб берилганлигини кўрамиз. Зотан, мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли — бу даставвал сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро иноқлик йўлидир. Президентимизнинг кишилар миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи инсонпарвар қоида ва тартиботларга асосланган суверен, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ғояси Республика аҳолисининг аксарият қисмига бениҳоя маъқул тушди. Таъбир жоиз бўлса, бу ғоя уларнинг қалбидан чуқур жой олди. Бундай жамият қуриш тартиботлари жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш билан бирга халқимиз ҳаётига, кўпчилик фуқароларнинг миллий ва маданий анъаналарига ҳам суянадиган чинакам демократиядан иборат бўлмоғи керак.

Барча партия ташкилотларимиз, ХДП аъзолари республика раҳбариятининг ташқи сиёсат соҳасидаги амалий қадамларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Республикамиз дадил қадамлар билан ва муносиб тарзда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди. У энг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Шубҳа йўқки, мустақил ва навқирон давлатимизнинг жаҳон майдонида қўядиган кейинги қадамлари ҳам унинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга, бошқа мамлакатларнинг бизга нисбатан ҳурматини янада оширишга хизмат қилади. Миллий давлат манфаатларини ҳеч қачон назардан қочирмай, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан тан олинган меъёрларига, яқин қўшничилик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, ўз ташқи сиёсатини мустақил олиб боришга интилиши бунинг гаровидир.

Муаллифнинг давлатнинг ички сиёсатига доир масалалар юзасидан нуқтаи назари аниқлиги, аҳолининг барча қатламлари ва гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини яхши тушуниши ҳамда эзгу истакларини амалга оширишга интилиши эътиборни жалб этади.

Рисоладаги «Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир» деган қоида худди ана шунга асосланиб айтилган.

Бу ҳеч ҳам баландпарвоз ёки қуруқ сўзлар эмас, чиройли ва жозибадор шиор ҳам эмас. Халқнинг ҳаётий манфаатларини устун қўйиш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини етарли даражада таъминлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш республика Президенти кундалик кўп қиррали фаолиятининг бош йўналишидир.

Иқтисодий алоқалар ҳар томонлама барбод бўлган танглик шароитида Ўзбекистон раҳбарияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур кундалик эҳтиёждаги моллар, дори-дармонлар билан барқарор таъминлашга муваффақ бўлди, айни вақтда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларининг батамом камайиб кетишига йўл қўйилмади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунга вақтида кўрилган чоратадбирлар, машаққатли саъйи-ҳаракатлар туфайли эришилди. Аҳолининг кам таъминланган табақалари моддий аҳволини яхшилаш, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонликни, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш йўлидан ҳам изчил ва сабот билан борилмоқда.

Китобда кўҳна заминимизда яшовчи халқларнинг инсонпарварлик анъаналарига, маънавияти ва маданияти сарчашмаларига, дунёнинг яхшилиги ва ўзаро боғлиқлиги ғояларига мурожаат қилинганлиги, айниқса, таҳсинга сазовор. Биноборин, ҳозирги кунда давлат ва бутун жамоатчилик учун ҳам, ҳар қандай сиёсий арбоб учун ҳам мана шу анъаналарни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, халқнинг маънавий қудратини ҳар томонлама ва тўла очиб беришдан кўра улуғворроқ вазифа йўқдир.

И. А. Каримов Ўзбекистонимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўллари тўғрисидаги ўз қарашлари ва нуқтаи назарини китобда очиқ-ойдин баён этади. Мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига оид таклиф қилинаётган асосий йўналишлар партиямиз Дастуридаги муҳим қоидалар билан ҳамоҳанггина эмас, балки мустақилликнинг биринчи йили тажрибаси, ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янги томонларини ҳисобга олган ҳолда уларни кўп жиҳатдан аниқлайди ва ривожлантиради ҳам.

Биз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг нашр этилишига катта аҳамият бермоқдамиз ва унинг атрофида ҳар томонлама сиёсий ва тарғибот ишларини бошлаб юбордик. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қарорига биноан республикамизнинг таниқли адиблари, олимлари, етакчи иқтисодчилари, ҳуқуқшунослари, партия фаолларидан иборат махсус тарғибот гуруҳлари тузилди. Улар китобда баён этилган асосий қоидаларни чуқур тушунтириш мақсадида ҳозир партия ташкилотлари, меҳнат жамоалари, аҳоли билан учрашиш учун жойларга бормоқдалар. Худди шундай иш маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ҳам авж олдириб юборилди.

«Ўзбекистон овози» газетаси саҳифаларида бу китобнинг босиб чиқарилиши уни мутолаа қилувчилар сонини яна ҳам кўпайтириш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларини, деярли барча партия ташкилотларини китоб мазмуни билан тўлароқ таништириш имконини беради.

И. А. Каримов ўз рисоласида жафокаш халқимизни республикамиз раҳбарияти сиёсатининг бош йўлини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, жонажон Ватанимиз бўлмиш мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашидан чинакамига манфаатдор бўлган барча пок ниятли кишиларни шу йўл теварагида жипслашишга даъват этади. Ушбу эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш ҳур диёримиз ҳар бир фуқаросининг юксак ва муқаддас ватанпарварлик бурчидир.

М. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ, АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ДАВЛАТ САВДОСИ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва бозор муносабатларини кенг жорий этиш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мулкчиликнинг жамоа ва хусусий шаклларини вужудга келтириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, Ўзбекистон «Савдо» давлат-акциядор уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари иттифоқининг маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Маҳаллий саноат, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш давлат корхоналарини 1-3-иловаларга мувофиқ 1992-1993 йилларда мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказишга доир ташкилий тадбирлар тасдиқлансин.

2. Давлат мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида мазкур тармоқларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қуйидаги қоидаларга амал қилинсин:

ижтимой адолатни таъминлаш, ҳар бир ходимнинг ва умуман меҳнат жамоасининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

корхона (ташкилот)ни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини меҳнат жамоаси томонидан мустақил белгилаш;

меҳнат жамоаларининг талабномаларига биноан тузилмалар қуйи бўғинларининг тайёрлигини ҳисобга олиб, уларни биринчи навбатда ўзга шаклдаги мол-мулкка айлантириш;

мазкур корхонадан пенсияга чиққан меҳнат фахрийларига, шунингдек, унда камида 10 йил ишлаган меҳнат жамоаси аъзоларига акцияларни сотиб олиш, мол-мулкни енгил шартлар билан ва бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш имконини бериш;

давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналар балансидаги ижтимоий ёрдамчи тармоқлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш иншоотларини меҳнат жамоаларининг мулки қилиб текинга топшириш;

тугалланмаган қурилиш иншоотларини ва давлат корхоналарини (ташкилотларини), уларнинг ички бўлинмаларини асосан ким ошди савдоси ва танлов йўли билан хусусий мулк қилиб сотиш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг тўла ошкоралигини, тармоқ ходимларининг бундан батафсил хабардорлигини ҳамда корхоналарнинг жамоалари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан назорат қилинишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, унинг ҳудудий бошқармалари «Маҳаллий саноат» корпорацияси, «Ўзбек савдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимиятлари билан биргаликда ўз ҳудудида жойлашган маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан режаланган тадбирларнинг белгиланган муддатда амалга оширилишини таъминласинлар, уларга амалий ёрдам берсинлар.

Дастлабки жамғармаси 5 миллион сўм ва ундан кўпроқ бўлган корхоналарни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетининг, дастлабки жамғармаси 5 миллион сўмдан кам бўлган корхоналарни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш мазкур комитет ҳудудий бошқармаларининг қарорига биноан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Давлат мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибини белгилайдиган қуйидаги муваққат меъёрий ҳужжатлар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир талабномаларни топшириш ва кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги муваққат низом (4-илова);

давлат мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комиссияси тўғрисидаги муваққат низом (5-илова);

мулк эгаси ҳуқуқини тасдиқлайдиган рухсатнома бериш тартиби ҳақидаги муваққат низом (6-илова);

давлат корхоналарини акциядор жамиятга, чекланган масъулиятли жамиятларга ва бошқа хўжалик жамиятларига, ширкатларга ва жамоа корхоналарига айлантириш тўғрисидаги муваққат низом (7-илова);

давлат корхоналарини ким ошди савдоси йўли билан хусусийлаштириш ҳақидаги муваққат низом (8-илова);

давлат корхоналарини танлов йўли билан хусусийлаштириш тўғрисидаги муваққат низом (9-илова).*

5. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда давлат мол-мулкини ва акцияларнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш тартиби ҳақидаги муваққат низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, 4-ва 5-бандларда кўрсатилган ва пухта ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни 1993 йилнинг биринчи чорагида Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1992 йил 1 апрелида асосий фондлар баҳоланганини ҳисобга олиб, давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган иншоотларнинг дастлабки нархларини аниқлашга доир тармоқ меъёрий ва услубий тавсияномаларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва корпорацияларга ва бошқа хўжалик бирлашмаларига етказсин;

Ўзига берилган ҳуқуққа мувофиқ акциядор жамиятларнинг, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг муассиси вазифасини бажарсин ҳамда давлат корхона ва ташкилотларининг мулк шаклини ўзгартириш тугаллангандан сўнг давлат мулклигича қолган акцияларни (пай ва улушларни) сақлаш ва бошқариш ҳуқуқи билан бирга Ўзбекистон давлат жамғармасига топширсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

10-иловага биноан маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (ташкилотлари) давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди;

«Файз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Уйчи пиллакашлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Улуғбек номли Самарқанд пластмасса маҳсулотлари заводи Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилади.

Нормаланган моллар ва нон-булка маҳсулотлари сотадиган савдо корхоналари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети (унинг ҳудудий идоралари, «Ўзбексавдо» уюшмаси)нинг ҳудудий савдо-саноат концернлари билан янги мулкдор ўртасида ўзаро мажбуриятлар тўғрисида шартнома тузилган тақдирдагина давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади;

умумий таълим мактабларига, интернатларга, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига, ҳунар-техника таълими билим юртларига, завод ва фабрикаларнинг жамоаларига хизмат қилувчи давлат умумий овқатланиш корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш томонларнинг хизмат қилинаётган жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи ўзаро мажбуриятлар тўғрисида тузган битими асосида амалга оширилади.

7. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси 15 кун муддатда, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи, «Ўзбексавдо» уюшмаси бир ой ичида биринчи босқичда — 1992 — 1993 йилларда давлат тасарруфидан чиқаришга ёки хусусийлаштиришга мўлжалланаётган корхона (ташкилот)ларнинг номма-ном рўйхатини меҳнат жамоаси танлаб олган ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш давлат комитетига топширсинлар.

8. Мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиладиган маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотлари мол-мулки қиймати сотиб олинадиган, сотиладиган, акциядор жамиятларга ва чекланган масъулиятли жамиятларга айлантириладиган давлат корхона ва ташкилотлари мол-мулки қийматини баҳолаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 июндаги 171-қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ ҳамда асосий фондлар қийматини қайта ҳисоблаб чиқишнинг Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 18 июндаги 293-қарори билан тасдиқланган тартибга биноан баҳолансин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини акциядор жамиятларга айлантириш пайтида корхона акцияларининг камида 60 фоизини меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида ҳақини уч йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи билан сотиш кўзда тутилсин. Акцияларнинг қолган қисми ёндош ташкилотлар, давлатга қарашли бўлмаган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида тақсимланиши, шунингдек давлат мулки қилиб сақлаб қолиниши мумкин.

Хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий корхоналар барпо этиш Ўзбекистон Республикасида хусусий ишбилармонлик тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи иштирокида мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул этаётганида, қоида тариқасида, талабнома берувчилар билан томонларнинг ўзаро мажбуриятлари тўғрисида шартномалар тайёрласин ва тузсин. Уларда ўзгартириладиган корхонанинг иш соҳаси, айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, маҳсулот етказиб бериш ҳажмлари сақлаб қолинишини, давлат эҳтиёжлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун иш ҳамда хизматлар бажарилишини кўзда тутсин.

Ўзшартномасавдо уюшмаси республика аҳолиси ва халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқ мазкур шартномаларга биноан маҳсулот етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун иш ҳамда хизмат бажариш ҳақида давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарга буюртмалар берсин.

Ўзшартномасавдо, Ўзбекистон енгил саноат таъминоти ва реализацияси бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат халқ хўжалиги тараққиётини белгилаш ва ҳисоб комитети, «Ўзбексавдо» уюшмаси шартномаларни имзолаган корхоналарга моддий-техника ресурсларининг зарур лимитлари ажратилишини ҳамда давлат эҳтиёжлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун шартномалар ўз вақтида тузилишини таъминласинлар.

11. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи:

ўз таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоаларида мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти тўғрисида, давлат корхоналаридаги мулкчилик шаклларини ўзгартиришнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига мос хусусиятлари, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳақида, хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар хусусида тушунтириш ишларини олиб борсинлар;

мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқарганда корхоналар ва улардаги ички бўлинмалар меҳнат жамоаларининг мавжуд хўжалик тузилмалари таркибида қолиши ёки ундан чиқиб, янги тузилмаларга кириши тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига кафолат берсинлар;

давлат корхона ва ташкилотларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришга оид зарур тайёргарлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

12. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи, «Ўзбексавдо» уюшмасининг корхона ва ташкилотлардаги давлат мол-мулкни сотишдан бюджетга тушадиган маблағ умумий ҳажмининг 10 фоизини ажратиш ҳисобига махсус жамғармалар тузишга, шу жамғармалардан янги иш жойлари вужудга келтириш, бўшатиб олинадиган ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида фойдаланишга рухсат берилсин, бу иш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги йўли билан ўтказиладиган тадбирларга қўшимча бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи билан биргаликда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, бўшатиб олинган ходимларни қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг бошқа ҳуқуқларини таъминлаш чора тадбири мажмуини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

«Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи, «Ўзбексавдо» уюшмаси маҳалий саноат ва коммунал-маиший корхоналар, давлат савдоси, умумий овқатланиш ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмалари марказий комитетининг иштирокида:

мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш даврида корхона маъмурияти томонидан илгари тузилган жамоа шартномаларининг ҳамма қоидаларига албатта риоя этилишини;

мулкчилик шакли ўзгартирилган корхона (ташкилот) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч ой мобайнида янги жамоа шартномалари тузилишини;

тармоқда банд бўлган ёлланма ходимларнинг ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат мол-мулки жамғармаси:

акциядор жамиятлар, бошқа жамиятлар ва ширкатларнинг фаолиятига давлатга қарашли улушлар (пайлар ва акциялар)га мувофиқ раҳбарлик қилиш ҳуқуқларини «Маҳаллий саноат» давлат корпорациясига, «Ўзбексавдо» уюшмасига, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқига топширишни;

давлатга қарашли акциялардан олинадиган фойданинг бир қисмини шартнома асосида акциядор жамиятларга уларни ривожлантириш учун бериб қўйишни тажриба қилиб кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иттифоқи билан биргаликда давлат тасарруфидан чиқарилиши ёки хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхона (ташкилот)ларнинг кредит қарздорлигини узиш воситаси тўғрисидаги масалани ўн кун муддатда ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 19 ноябрдаги 426-XII сон қарорига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариладиган ёки хусусийлаштириладиган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг мол-мулкини сотиб олишда ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга кредит бериш кўзда тутиш тавсия этилсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари А. Н. Возненко ва Б. С. Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

Ушбу қарор қандай амалга оширилаётганлиги 1993 йилнинг январида кўриб чиқилсин, келгусида ҳар кварталда бир марта муҳокама қилиб турилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

*) — **ушбу қарорга иловалар Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида босиб чиқарилади.**

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини тасдиқлаб,

халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликни таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

1-БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлатни идора этиш тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб беради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини олиш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

9-модда. Давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

10-модда. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш кўриши мумкин.

Жамиятнинг бирон бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш кўришга ҳақли эмас.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши принципига асосланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура, дин расмий давлат мафкураси, дини сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга таянади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат принциплари асосида амалга оширади.

III БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормалари устунлигини тан олади.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

IV БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилади.

Республика давлатнинг ҳамда халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши, шунингдек иттифоқлар, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмалардан ажралиб чиқиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёз ва афзалликлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан судсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, қонунлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI БОБ. ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг буткул ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш, уни сақлаб қолиш ва йўқотиш асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, уни ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII БОБ. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи. Ҳаётга суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас.

25-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонуний тартибда, судда ошкора кўриб чиқилиб, аниқланмаганига қадар айбдор эмас деб ҳисобланади. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимнинг устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

26-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

28-модда. Ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат шахсий, тижорат, шунингдек давлат сири бўлганлиги сабабли қонун билан чекланиши мумкин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

30-модда. Барча учун дин эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан бирон имтиёз олиши ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эмас.

VIII БОБ. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

32-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Бундай тўхтатиш ва тақиқлаш устидан судга арз қилиниши мумкин.

Махфий жамиятлар ва бирлашмалар тақиқланади.

33-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида муҳолифатчи озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

34-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли органларга, муассасаларга ёки халқ вакилига ёзма равишда арз ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

35-модда. Ҳар бир шахс мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Банкка қўйилган пуллар сир тутилиши ва мерос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

36-модда. Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ва ҳ. к.) ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

37-модда. Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

38-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

39-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

40-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

X БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

41-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

42-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

43-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

XI БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

44-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва бурчларини бажарадилар.

45-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

46-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбур.

47-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур.

48-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур.

49-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчи. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

50-модда. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизи — ижтимоий бозор хўжалиги бўлиб, унда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб кафолатланади. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофазаси, халол рақобати ва ижтимоий фойдали бўлиши таъминланади.

Мулк дахлсиздир ва мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

51-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

52-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

53-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, ёшлар ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

54-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва динлар адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

55-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

56-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

57-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоб бериб турадилар.

58-модда. Динлар ва диний бирлашмалар давлатдан ажратилган бўлиб, қонун олдида тенгдир. Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди.

59-модда. Жамоат бирлашмаларни тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIV БОБ. О И Л А

60-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

61-модда. Ота-оналар болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, улар учун хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

62-модда. Болалар, ота-оналарининг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

63-модда. Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир.

XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

64-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШ

XVI БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

65-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

66-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистоннинг Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

67-модда. Ўзбекистон қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбуриийдир.

68-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

69-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

70-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида тузилган ўзаро шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар ўзаро келиштирув таомили ёрдамида ҳал этилади.

XVII БОБ. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШ

71-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

72-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, вилоятлар, туманлар ташкил қилиш ва тугатиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги талаб қилинади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

73-модда. Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

74-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача ва сайлов куни 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

4) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

5) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, давлат банкларини бошқариш;

6) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

7) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

8) Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) Конституциявий муҳолат ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини сайлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазири унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг тайинланиши ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг лавозимидан озод этилиши тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат банки бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги Фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, уни узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

(Давоми 3-бетда).

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ўзининг мутлақ тасарруфида бўлган ваколатларни ўзи тузадиган органларга, республиканинг бошқа давлат органларига ва мансабдор шахсларга беришга ҳақлидир.

76-модда. Олий Мажлис йиғини жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

77-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғинида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республиканинг Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий Хўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий Давлат Банки бошқарувининг раиси иштирок эта оладилар.

78-модда. Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайлов дан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

79-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўзининг давлат олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий хўжалик Суди, Бош прокурори эгадирлар.

80-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Конституциявий қонунлар қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози талаб этилади.

Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар тадбиқ этилиши учун матбуотда эълон қилиниши шарт.

81-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий Мажлис Раисини ва унинг уч ўринбосарини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасидан ўринбосарини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб бериб туради.

82-модда. Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлмиш Қорақалпоғистон вакили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати — 5 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи берган яширин овоз билан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Раиси муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

83-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис йиғинларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни кўриб чиқиш ва комиссиялари раислари билан биргаликда тайёрлайди;

— Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

— Олий Мажлис комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларини, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раисларини сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

— Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига кундалик раҳбарликни амалга оширади; Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъатларини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди; Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

84-модда. Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга хавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Олий Мажлиснинг юқорида кўрсатилган ваколатларини амалга ошириш, қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда депутатлардан иборат комиссиялар, тафтиш комиссиялари ва бошқа доимий ҳамда муваққат ишловчи комиссияларни тузади.

85-модда. Олий Мажлисда мансабдор шахсларни тайинлаш, сайлаш ва тасдиқлаш, бюджетни ва узоқ муддатли инвестиция дастурларини тасдиқлаш учун дастлаб Олий Мажлис тегишли қўмиталари ва комиссиялари бу масалаларни кўриб чиққан ва хулоса берган бўлиши керак.

86-модда. Олий Мажлис депутатлари белгиланган тартибда маош ва харажат пули оладилар. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

87-модда. Олий Мажлис депутати даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

88-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғидир.

89-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

90-модда. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси даҳлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

91-модда. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали касамёд қиламан».

92-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартномаларини имзолайди; Республика томонидан тузилган шартномаларига ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, кейинчалик шу масалаларга доир Фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) Вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган, ҳоким шаъни ва қадр-қимматига доғ тушираднган ҳатти-ҳаракат қилган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика вазирликлари ва идораларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул этган ҳужжатларини бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, катта ҳалокатлар, табиий офат, эпидемия ва шу кабилар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорни зудлик билан, уч кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондонидир, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17. Ўзбекистон Республикаси ҳужумга учраган тақдирда ёки тажовуздан бирбирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва кейинчалик бу қарорини уч кун ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг нишонлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг мартаба ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларнинг гуноҳидан кечади ва афв этиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилади.

21) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини ижро этишни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топшириш ҳақли эмас.

93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

94-модда. Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини хавф остида қолдирадиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий Суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

95-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғинида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бундай ҳолда уч ой муддат ичида умумий асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши керак.

96-модда. Конституциявий муҳлат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий Суд аъзоси этиб тасдиқланади.

XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

97-модда. Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ҳуқуқ доираси қонун билан белгиланади.

XXI БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

98-модда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ҳудудий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этадилар.

99-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

Қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалалари, маҳаллий бюджет, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш ва улардан фойдаланиш; бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; коммунал хўжаликни бошқариш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолатларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатлар.

100-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимиятининг юқори органлари қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари муддати — 5 йил.

101-модда. Вилоят, туман ва шаҳар вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишли ҳудудда ҳоким бошқаради.

Вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

102-модда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгардирлар.

Барча бўғиндаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларининг фаолиятини ташкил қилиш уларнинг ваколат доираси ва сайланиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

103-модда. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида қарор ва фармойишлар чиқаради, бу қарор ва фармойишлар тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва жамиятлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий.

104-модда. Қишлоқ ва маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга Кенгаш раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат ҳўлами қонун билан белгиланади.

XXII БОБ. САЙЛОВ ТИЗИМИ

105-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органида депутат бўлиши мумкин эмас.

106-модда. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIII БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ

107-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

108-модда. Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳокимияти 10 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Судидан, беш йил муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суд судьялари даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд аъзолари айни бир пайтда бошқа давлат органларининг таркибига киришлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди:

а) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган ўзга ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва ўзга мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

б) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари томонидан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади;

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

111-модда. Судялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судяларнинг даҳлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судя қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина ваколат муддати тугагунга қадар судя вазифасидан озод этилиши мумкин.

XXIV БОБ. ПРОКУРАТУРА

116-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан олий назоратни Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси амалга оширади.

117-модда. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — 5 йил.

118-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

119-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

XXV БОБ. МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

120-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

121-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

122-модда. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

XXVI БОБ. МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

123-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч ҳаётини, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

124-модда. Ўзбекистон Республикаси хавфсизликни қуролли тажовуздан ҳимояланиш учун етарли даражада таъминлайди.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА УНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

XXVII БОБ. КОНСТИТУЦИЯНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

125-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

126-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

XXVIII БОБ. КОНСТИТУЦИЯНИНГ КУЧГА КИРИШИ

127-модда. Ушбу Конституциянинг кучга кириши тартиби Олий Мажлиснинг тегишли қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Жумҳурияти Конституцияси лойиҳаси Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг топшириғига мувофиқ Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган.

Конституция лойиҳасига оид мулоҳазалар, таклифлар, истаклар қуйидаги манзилга юборилсин:

Тошкент шаҳри, 700008, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгаши, Конституциявий комиссияга. Телефонлар: 398-160, 398-536, 398-665, 398-786.

„ОЙНАИ ЖАҲОН“ДА КЎРИНГ

Душанба, 28. IX

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳиндистонга бир жуфт билет». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ассалом, қуёш!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ҳуқуқий давлат сари».
19.55 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яккахон Муроджон Соҳибов концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 Пахта терими кундалиги.
21.45 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев.
22.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Механик ва электромагнит тебранишлар.
11.00 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт.
11.30 Жуғрофия. Ўзбекистоннинг рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари.
12.00 «Шоирлар — болаларга».

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Дала ҳовли эгалари учун.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Миришкорлар».
21.20 «Узингни эр билсанг...».
22.05 «Лаҳза». Хабарлар.
22.15 «Оғир юк». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эрталабки гимнастика.
9.30 «Пудя». Мультфильм.
9.40 Дилрабо концерт.
10.00 «Ҳайвонот оламида».
11.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Ҳордиқ чиқаринг».
17.20 Енгил атлетика. Жаҳон кубоги. Гаванадан кўрсатилади.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
18.35 Футбол шарҳи.
19.05 «НЭП».
19.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Маҳлуқ ёки яна аллаким...». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм премьераси. 1-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Матбуот клуби».
00.35 «ОБА-НА». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.15 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Келинг, қўлни-қўлга берайлик...». Н. Никитский.
10.05 «К-2» таништиради: «Бизникиларни билиб қўй», «Кинограф».
11.30 «Бурда моден» таклиф этади...».
12.00 «К-2» кинозали. «Енгоқли нон». Бадиий фильм.
13.15 «Сибирь барокиоси». Ҳужжатли фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.05 «Самотлор нефть қироллари».
16.35 «Бола тилидан...».

*

17.00—20.25
ГУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.25 Душанба куни детектив. «Русча қимор ўйини». Бадиий фильм.
21.45 Катталар учун мультфильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига Герман Титов жавоб беради.
23.20 «Терпсихора ёнида».
23.50 «Рок-кафе».
00.20 Спорт кўрсатуви.
00.30 Футбол бўйича Россия чемпионати. «Асмарал» — «Спартак» (Владикавказ).

Сешанба, 29. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ансамбль», «Муҳандиснинг нуфузи». Телефильмлар.
8.05 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм.
9.30 «Келажагимиз — мактабда».
10.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Шаҳрихон гуллари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 Пахта терими кундалиги.
21.45 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.35 Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Орол» (Нукус). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган).
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
10.55 «Димканинг хўрози», «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар». Болалар учун фильмлар.
11.35 Жуғрофия таълимидаги янгиликлар.
12.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Субҳидам».
19.30 «Геология мактабининг отаси». Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига.
20.10 «Алоқалар ва шартномалар».
20.50 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Денгиз альбоми». Концерт.
11.00 «Мен ҳам Сибирда яшаганман». Сибирь тарихчиси П. А. Словцов ҳаёти ва фаолияти ҳақида.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм. 1-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Севги формуласи». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Самарқанд». Телефильм премьераси (Тошкент).
17.15 Болалар телевидениеси уюшмаси.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Арслон ва тошбақа қандай қилиб қўшиқ куйлашди!». Мультфильм.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Кул». 1-серия («Ритм» ижодий жамоаси, Польша).
22.40 «Ҳарбий ревю».
23.10 «ВИД» таништиради: Ю. Белянкиннинг «Иштирок этувчилар» телефильми.
23.40 Ҳужжатли фильм.
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Майамидан меҳр-муҳаббат билан». «50х50» кўрсатувининг махсус сони.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.45 Кундузги сеанс. «Кинг-сайз». Бадиий фильм.
11.30 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков.
12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.50 «Ўз ишининг усталари» туркумидан телефильм.
13.45 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 Мульти-пульти. «Қувноқ отўйин», «Қовоқ йиғиш кунида».
16.50 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).

*

17.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Мен — отилган ёйман». «Яшиллар» ҳаракати ҳақида.
22.45 «Аз есмь».
23.20 «Околесица» кабареси. Янги мавсумнинг очилиши.
00.20 Россия Конституцион суди залидан.
00.50 «Моцертеум» ансамбли чалади (Корелли мусиқалари янграйди).

Чоршанба, 30. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Машина ойнасидаги шайтонвачча». Бадиий фильм.
9.00 «Ёшлик ёғдуси». Видеоканал.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хазина». Мультфильм.
18.20 «Чаман» гулдастаси». Болалар учун концерт.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Самарқанд вилояти Оқдарё тумани «Тарона» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.55 «Ижод саҳифалари». Ҳабиб Нўъмон.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Устоз ҳақида ўйлар». Академик Ҳабиб Абдуллаев.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Биология. Дарвин таълимоти. Тур, унинг критериялари ва структураси.
11.00 «Карнай садоси». Фильм-концерт.
11.30 Кимё. Олтингугурт ва кислороднинг хоссалари.
12.00 Болалар учун. «Қўғирчоқлар тилга киргандa».
12.30 Хор куйларидан концерт.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Ишбилармонлар».
20.25 «Шаҳар ҳокимияти фаолиятидан».
21.10 «Суперспорт».
22.00 «Қизиқарли учрашувлар соати».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Тюмень мусаввири Ю. Юдин ижоди ҳақида кўрсатув.
11.20 Болалар телевидениеси уюшмаси.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Ҳомий». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Ўтиб бораётган ёз...». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Китобхона».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Футбол. Европа кубоклари ўйини олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (21.45) — Янгиликлар.
22.50 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Кул». 2-серия.
00.05 Янгиликлар.
00.40 «Қора кути».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ишдан бўш пайтингизда».
9.10 «Ватаним менинг».
10.05 «Околесица» кабареси.
11.05 «Моцертеум» ансамбли чалади.
11.40 Театр сафари. «Премьерада ўйнаймиз». «Людовик XIV нинг ёшлик йиллари». Москва Сатира театрининг спектакли.
12.30 Ретро. «Куйловчи гитаралар».
12.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 79-серия.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.40 «Бизнес: янги номлар».
15.55 Мульти-пульти. «Сув», «Қизил денгизни ким бўяб қўйди?»
16.10 Христианлар учун кўрсатув.
16.40 «Оркестрдан нигоҳ ташланса...». Дирижёр Н. Голованов ижоди ҳақида.

*

17.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эстрада томошалари (Германия).
23.20 Спорт кўрсатуви.
23.25 Россия Конституцион суди залидан.
23.55 Парламент хабарномаси.

Пайшанба, 1. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалбим эзози». Дилрабо концерт.
8.00 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
9.10 Турк тили.
9.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Умид» (уйғур тилида).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Асалари бўлган экан...». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильм.
19.40 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов таваллудининг 85 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 «Қоплоннинг учичи сакраши». Бадиий фильм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Жалейка нималар ҳақида йиғлади!» («Отечество» киностудияси), «Ассоциация» (Сиктивкар).
11.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.35 «Ковбойлар». Фильм-балет.
13.55 «Ўтиб бораётган ёз...». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.40 «Тарих ва одамлар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Қуёшли ўлка тароналари». Қозоқ куйларидан концерт.
18.50 Мультфильм.
19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Менинг ҳаётимда...». Телефильм премьераси («Экран»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ясная Поляна қўшиқлари».
22.05 Рукн премьераси. «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
22.20 Ҳалқаро мусиқа кунига. «Тикланиш».
23.20 «Телескоп».
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Севги формуласи». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
9.05 Чет эл композиторлари ижодида халқ қўшиқлари (Гершвин). Халқаро мусиқа кунига.
10.05 Футбол. УЕФА кубоги. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Киев).
11.40 Кипрас Мажейка. «НАТО»дан репортажлар». 7-сони.
12.10 «Тиринчилик».
12.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 80-серия.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.55 «Сигнал».
16.10 Мульти-пульти. «Икки рицарь», «Дайди тўтининг қайтиши», «Тулпорим, қаердасан?».
16.40 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

*

17.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Келинг, аниқлаб олайлик».
22.45 «Осойишта уй».
23.45 Футбол. УЕФА кубоги. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Киев). Венадан кўрсатилади. 2-тайм.
00.30 «Осойишта уй» (давоми).

Жума, 2. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бахтиёр». Фильм-концерт.
8.05 «Қоплоннинг учичи сакраши». Бадиий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Булутли ўлкаларда сайр». Мультфильм.
18.20 «Боғбон ва соҳибкорларнинг долзарб вазифалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Қонунчиликдаги янгиликлар.
19.50 Мумтоз куйлардан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Умр мазмуни». Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига. Фильм премьераси.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 Пахта терими кундалиги.
22.35 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
23.35 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.
00.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
19.05 «Хўтикча». Мультфильм.
19.15 «Байкем, эжем жана бизз».
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Сиз ўзингиз кимсиз доктор Акромов!» («Қирғизтелефильм»).
20.10 «Укун» программаси.
20.40 «Сен суйгон обон». Усен Содиқов.
21.30 «Ала-Тоо».
21.50 «Куйдургу эле куйдургу». М. Алибоев туғилган кунининг 75 йиллигига.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 «Эчки ҳақида». Мультфильм.
11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4 ва 5-сериялар.
14.40 «Лаббай, сизни эшитаяпман». Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 А. Майкапара чалади (клавесин).
17.15 «Рус баронининг ҳиндча танлови». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади: «Мўътабар шахс». А. Сокуров.
18.55 «Парвона». Мультфильм.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.35 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 12-серия.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шим». Бадиий фильм («Ленфильм»).
22.45 Объективда — жониворлар. «Қўтос». Илмий-оммабоп фильм.
«ВИД» таништиради:
23.05 «Фаберже олами».
23.15 «Музобоз».
00.35 «Авто-шоу».
00.50 «Ҳа».
01.20 «МТВ». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
9.35 Ишдан бўш пайтингизда.
9.50 «М-трест».
10.05 «Осойишта уй».
12.00 Вариацияли мавзу.
12.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 81-серия.
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.30 Телебиржа.
16.00 «Қора барон ҳақида икки оғиз сўз айтиб қўйинг».
16.15 «Қўшиқ қаерга кетади?».
16.45 Олег Митяев қўшиқлари.

*

17.00—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.40 Жума кунлари Уолт Дисней. «Спунер». Бадиий фильм. 1-серия.
19.30 Мульти-пульти.

*

19.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Кечки салон.
23.55 Эълонлар.
24.00 Бизга номаълум Россия. М. Цветаева туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади.
00.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
01.00 «Кузатувчи». Бадиий фильм.

Шанба, 3. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 «Менинг доирам». Болалар учун концерт.
9.35 Улмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Видеофильм.
10.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Бекобод ва бекободликлар».
11.10 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
12.00 «Мулоҳаза». Мусиқий театрлар ҳақида.
13.00 Тижорат каналы. «Данак ёғининг мўъжизаси».

* * *

17.00 Футбол. Осиё кубоги. Қирғизистон — Ўзбекистон миллий терма жамоалари. Бишкекдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
18.50 «Қуённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
19.30 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Санъат усталари». Халқ артисти Қундуз Миркаримова.
22.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
11.05 Мультфильмлар тўплами.
11.50 «Дўстим йўқолиб қолди». Болалар учун фильм.
13.00 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.

* * *

17.05 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
17.50 «Мукам вагти». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви (рус тилида).
18.15 Телетеатр.
19.15 «Ғиламингнинг жилолари». Телефильм.
19.30 «Осиё овози». Концерт.
20.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
20.15 Кичкинтойлар, сизлар учун!
20.30 Туркманистон мустақиллигининг бир йиллигига. «Янлам диярим». Телетанлов. Марий вилояти. Кўрсатув тугагач —Футбол. Туркманистон чемпионати. «Копетдаг» (Ашгабат) — «Небитчи» (Небитдаг). 2-тайм.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Дастлабки скрипка». Мультфильм.
9.20 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.45 «Эльдорадо».
10.15 «Саҳна ортидан. Табассум билан».
10.35 «Инсон институти».
11.05 «Диққат: ёшларнинг Х...».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Услуб».
12.25 «Қайтиш».
13.25 «ВИД» таништиради: «Иш».
13.50 «Колима. Бир трест тарихи». Уч серияли телефильм премьераси. 1-фильм («Лентелефильм»).
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Муҳаббатнинг мангу қўшиғи». Киноконцерт.
16.20 «Мушукнинг уйи». Мультфильм.
16.35 «Саҳифаларни варақлаб». Цирк томошалари.
17.35 «Қизил квадрат».
18.15 «Театр+ТВ».
19.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Висбаденга саёҳат». Бадиий фильм («Ладья»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Брэйн ринг».
22.15 «Юмор антологияси». Овоз тақлидчиси Ю. Григорьев.
22.55 «Хива». Телефильм.
23.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.50 Ногиронлар спорт фестивали.
9.10 «Агар сиз...».
9.40 «Сергий Радонежский». 2-фильм.

*

10.25—13.40
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Бизнен мирас» (татар тилида).
«Қизиқувчилар олами».
«Дидар» (қозоқ тилида).
«Интерспорт».

*

13.40 Кундузги сеанс. «Ушанда мен йўқ дегандим». Бадиий фильм.
14.55 Эълонлар.
15.00 «Бахт кулиб боққанда».
15.15 «Утмишдан келажакка. Жанубий Қурия».
15.55 Россия қобусномаси. «Ёшлигимизда ўйнаб-кулиб қолайлик». Олим, профессор Юрий Михайлович Лотман тақдири ҳақида.
16.35 Футбол чегара билмайди.

*

17.30—20.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.30 «Бир кўринг-а». Ахборотдам олиш кўрсатуви (Франция).

*

21.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Ретро-шлягер».
22.50 «А» программаси. «Флеш-квартет» гуруҳининг концерти (Швеция).
00.20 «Тилла шпора».

Якшанба, 4. X

● ЎзТВ I

7.00 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди.
7.40 Телефильм.
8.00 «Туркистон» ахбороти.

*

8.30 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия.
9.55 «Кичкина деманг бизни...». Спорт кўрсатуви.
10.25 Болалар учун. «Ўйна, Назокат».
10.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.45 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ҳидоятовнинг ижодий кечаси.
12.25 «Китоб ва ҳаёт».
13.05 Саид Аҳмад. «Куёв». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Петяннинг орзуси». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 «Тараддуд». XI Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти мусиқий драма театрининг спектакли.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгил бектин мезгили», «Бобок сенин жомогун», «Оспурум», Бадиий фильм. «Мовий кўзли тахтадевор».

* * *

18.05 «Чўртан балиқ амри билан». Мультфильм.
18.20 «Киномеридиан». 1-қисм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Киномеридиан». 2-қисм. «Тутқинлик». Бадиий фильм (рус тилида).
21.30 «Кадырман Карыларын». Абдурасул Осмонов кечаси.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Эрта саҳарлаб».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Давлат «Марий эл» рақс ансамблининг концерти.
9.15 «Тонг юлдузи».
10.05 «Пи» белгиси билан».
10.35 «Янги авлод танлайди».
11.45 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
12.45 Киноҳақиқатми! «Ёркин йўл». Бадиий фильм («Мосфильм», 1940 й.).
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мультфильм.
15.30 «Саёҳатчилар клуби».
16.20 «Вокал тандеми». Л. Паваротти ва З. Соткилава.
16.30 «Уолт Дисней таништиради...».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
Якшанба кинокўрсатуви
19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Уруш». Бадиий фильм (АҚШ, 1976 й.).

*

21.00 Футбол. Россия чемпионати. МАСК — «Спартак». 2-тайм.
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Матадор».
24.00 Янгиликлар.
00.15 «Театр учрашувлари».
01.15 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
8.50 «Келгуси йилда бизни нималар кутяпти?». Ўқитувчилар кунига.
9.20 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.35 «Хоҳ ишонинг...».
10.05 «Маски-шоу».
10.35 «Эскулап» программаси «Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун» фильмини таништиради (Голландия).
10.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.15 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 6-серия.

*

11.45—15.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Ягона оилада».
«Поляклар меҳмонхонаси».
«Рангинкамон» (тожик тилида).
«Бекобод ва бекободликлар».
Цирк программаси.
«Дўстлар даврасида». Озарбайжон миллий маданият марказининг фаолияти ҳақида.

*

15.05 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков. 2-қисм.
16.05 «Ҳали англанмаган қонунот». «Наука и религия» журнали ҳузурида меҳмонда.
16.50 «Ҳайвонот оламида».
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.
18.20 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 4-серия.

*

18.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Талса».
00.35 Катталар учун мультфильм. «Қўшиқчи ҳақида қисса».
00.55 «Голливудга борадиган поезд». Бадиий фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 25 сентябрь сонидан олинди.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—340 № 190. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.